

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ИРОДА ҒАНИДЖАНОВНА

**МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИҚТИСОДИЙ ВА
ИННОВАЦИОН ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Абдуллаева Ирода Ганиджановна

Миллий таракқиётнинг янги босқичида иқтисодий

ва инновацион тафаккур уйғунлиги3

Абдуллаева Ирода Ганиджановна

Гармония экономического и инновационного мышления на

новой стадии национального прогресса.....23

Abdullaeva Iroda Ganidjanovna

National characteristics of economic and innovative

characteristics of new national development.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ИРОДА ҒАНИДЖАНОВНА

**МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИҚТИСОДИЙ ВА
ИННОВАЦИОН ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fal265 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Максуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хусейнова Абира Амановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ахмедов Акмал Ахмедович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2019 йил «___»_____даги _____рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) фалсафа ф.б.

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий ва инновацион тафаккур бозор муносабатлари ва менежментни ривожлантиришнинг, интеллектуал мулк эгалари ижтимоий иқтисодий фаоллигини таъминлашнинг, иқтисодий демократияни реал воқеликка айлантиришнинг кафолатларидан биридир. Иқтисодий ва инновацион тафаккур, иқтисодий интеллект ва ташаббус бозор муносабатларини ривожлантиришдаги ноодатий, мураккаб ва ички зиддиятларга тўла муаммоларни ечишга, радикал ўзгаришларга қаратилган даъватлар ва ҳаракатларни эса эволюцион ривожланиш томон йўналтириш усулларини топишга ёрдам берган. Мазкур изланишлардаги ижобий тажрибаларни тоталитар бошқаришдан қутулган давлатлар ҳаётига жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот марказлари, университет ва институтлар иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг умуминсоний тараққиётдаги аҳамиятини, талаб ва эҳтиёжларнинг ижтимоий иқтисодий муносабатлар динамикасига таъсирини, иқтисодий ташаббуслар, бизнес ва тадбиркорликни қўллаб қувватлашда давлатнинг ролини, менежмент маданиятининг шаклланиш қонуниятларини, хусусий ва ижтимоий мулклар ўртасидаги алоқаларни, инновацияларни жорий этишнинг молиявий, маънавий ва техник жиҳатларини изчил ўрганишмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг зиддиятли кечиши, янги социоантропологик муаммоларнинг пайдо бўлиши, инсон билан жамият, маънавият билан иқтисодиёт ўртасидаги тафовутлар илм-фан ходимларини конструктив, кўпинча прагматик ғояларни илгари суришга ундамоқда. Шу сабабдан иқтисодий ва инновацион тафаккурни, интеллектуал изланишларни прагматизм фалсафаси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш асосий ёндашувга айланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатларини жорий этишни ўзининг стратегик вазифаларидан бирига айлантирди. “Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас”.¹ Шу нуқтаи назардан шахсда инновацион тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш усулларини ижтимоий фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади. Иқтисодий ва инновацион тафаккуримиз марказлашган маъмурий бошқаришдан демократик бошқаришга ўтишда, хусусий мулкчиликни реал воқеликка айлантиришда, ижтимоий иқтисодий муносабатларни талаб ва эҳтиёжлар қонуниятларига қуришда, шахсий ташаббуслар ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда, кишиларнинг иқтисодий онгида туб ўзгаришлар яшашда муҳим роль ўйнади. Бироқ ижтимоий борликда кечаётган ўзгаришлар Ўзбекистонга,

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 85 б.

унинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир этиб, мамлакатни модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни янада жадаллаштириш-ни тақозо этаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ва инновацион тафаккур ижтимоий тараққиётнинг атрибутларидир. Ижтимоий тараққиёт тўғрисида гап кетганида аввало иқтисодиёт, унинг инсон, социум эҳтиёжларига мувофиқ янгиланиши, талаб ва эҳтиёжларнинг қондириши, макроиқтисодиётда янги-янги хизмат турларининг пайдо бўлишига таъсири кабилар назарда тутилади. Жамиятдаги туб ўзгаришлар негизида иқтисодий тафаккур ётади, мазкур тафаккурсиз ижтимоий муносабатларнинг бўлиши мумкин эмас. Бироқ иқтисодий тафаккурга ижтимоий тараққиёт омили ва алоҳида илмий назарий таълимот сифатида қарашнинг шаклланиши Адам Смит, Давид Рикардо, Карл Маркс, Макс Вебер номлари билан боғлиқдир. Чет эллик олимлар иқтисодий тафаккур, унинг ижтимоий ва глобал ўзгаришларга детерминистик таъсири, онг, фалсафа, демократия, социал бошқариш, оила, меҳнат, бизнес, шахсий истаклар ва режалар билан боғлиқ жиҳатларини изчил ўрганиб келадилар. Бу борада муҳим ва эътиборли илмий назарий концепцияларни Ж.М.Кейнс¹, М.Фридман, Р.Лукас, Ж.Мид, К.Эрроу, Й.Шумпетер², Г.Зиммель, М.Б.Олкотт каби олимлар яратган. Уларнинг илмий изланишлари асосан Ғарб давлатларидаги бозор иқтисодиёти, иқтисодий фаоллик, либерал тафаккур, социологизм, позитив эволюционизм, эмпиризм, экономизм, инновацион тафаккур, маркетинг ва инсоннинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари муаммоларини ўрганишга қаратилган. Улардаги умумметодологик ва ижтимоий фалсафий ғоялар, чиқарилган илмий хулосалар ва ижтимоий тараққиётга оид тавсиялар

¹ Кейнс Ж.М. Общая теория занятости, процента и денег. - Москва: Прогресс, 1978.-С. 42-43.

²Шумпетер Й. Капитализм, социализм, демократия. - Москва: Наука, 1992; Краткая история экономического развития. - Москва: Русская деловая литература, 1999.

бизнинг диссертациямиз учун ҳам муҳимдир. МДХда Г.П.Вошанова, Г.С.Годзина¹, Л.Г.Головач, В.Е.Савченко, Д.Сахал, Д.И.Кокурин, О.А.Латуха, А.Д.Шеремет, Ю.В.Шербинина каби тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб боришган. Бу тадқиқотчилар диққатини посттоталитар тузумдан кейинги ижтимоий иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, тизимли трансформация жараёнлари, инсоннинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини миллий заминларда рўёбга чиқариш, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, инновациянинг илмий техник ва жамият тараққиётига оид масалалар ўрганилган. Улардаги илмий назарий ва ижтимоий фалсафий ҳулосалар, таҳлил усуллари, социометрик кузатувлар бизнинг изланишларимиз учун ҳам муҳим.

Ўзбекистонда муаммоанинг айрим жиҳатларини иқтисодчилардан С.С.Ғуломов, Ҳ.Абулқосимов, А.Вахабов, М.Абдурахманова, И.С.Очилов, М.Розиқова, А.А.Умаров, Б.Б.Беркинов, М.В.Кремкова, С.О.Ганиходжаев, М.И.Алимардонов, А.Ш.Бекмурадов, М.Х.Салямова, ҳуқуқшунослардан Х.Рахмонқулов, З.М.Исломов, О.Оқюлов, файласуфлардан С.Шермухамедов, Н.Жўраев², Н.Ҳакимов, Б.Тўраев, У.А.Убайдуллаев³, Қ.Назаров, М.Хажиева, Д.Бозоров, Ш.Кўшоқов⁴, З.Қодирова кабилар ўрганишган. Аммо бу тадқиқотчилар бозор муносабатларининг инновацион ривожланиш билан боғлиқ муаммоларни, миллий тараққиётнинг янги босқичига хос имманент хусусиятларини махсус тадқиқот объекти қилиб олмайдилар. Бизнинг диққатимиз эса, улардан фарқли тарзда, иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг бозор муносабатлари, жамиятни модернизациялаш қонунлари, тадбиркорлик, интеграция ва модернизация, малакали кадрлар тайёрлаш муаммоларини ўрганишга қаратилган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч Давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида инновацион тафаккурнинг мазмун-моҳияти, имманент хусусиятлари ҳамда ижтимоий аҳамиятини фалсафий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг имманент белгилари ва функционал хусусиятларини тадқиқ этиш;

¹ Вошанова Г.П., Годзина Г.С. История экономики. -Москва: Эконом-ПРЕСС, 2001.

² Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. -Тошкент: Шарқ, 2001. -105 б.

³ Тўраев Б.О., Убайдуллаев У.А. Жамият тараққиётида янгича тафаккурнинг хусусиятлари // Фан ва фалсафада инновацион тафаккур муаммолари (илмий мақолалар тўплами). - Самарқанд. 2010. -5-13 б.

⁴ Кўшоқов Ш.С. Инноватика фалсафаси. Ўзбекистон фани ва технологияларида инновация: муаммолар, ечимлар ва истикболи. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд 2007.- 28-30 б.

иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг диалектик уйғунлиги бозор муносабатларида, кишиларнинг ижтимоий иқтисодий ислохотларда қатнашишида акс этишини ёритиш;

Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг этносоциал жиҳатлари, миллий демократик ўзгаришларда акс этиш хусусиятлари, миллий менталитет, тарихий маданий тажриба ва илғор давлатлар илмий техник муваффақиятларини ўзлаштиришга қаратилган стратегияси каби ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маънавий омиллар билан узвий келишини очиб бериш;

инновацион ривожланишни таъминлаш замонавий илмий техник билимларга, салоҳиятга ва жамиятни модернизациялаш қонунларидан хабардор юқори малакали кадрларга боғлиқлигини ёритиш асосида мавжуд муаммоларга илмий рационал ва конструктив ечимлар топиш.

Тадқиқотнинг объектини иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг жамият тараққиётига таъсири масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг бозор муносабатлари билан боғлиқ жиҳатлари, уларнинг иқтисодий демократия ва тадбиркорлар фаолиятида намоён бўлиши ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фалсафанинг комплекс ёндашиш, тизимли функционал таҳлил, объективлик, мантиқийлик, тарихийлик, анализ ва синтез, социологиянинг кузатув, интервью, контент анализ, ретроспектив ёндашув каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ва инновацион тафаккурни вужудга келтирувчи аттрактор(жалб қилувчи) сабаблари ва унинг динамиклик, тузилмавийлик, “сабаб-оқибат” каби ривожланиш хусусиятлари фалсафанинг атрибутив категориялари воситасида асослаб берилган;

иқтисодий ва инновацион тафаккур юксалишида миллий менталитет, тарихий маданий тажриба ва илғор давлатлар илмий техник муваффақиятларини ҳисобга олишнинг бирлаштирувчи, йўналтирувчи, қиёслаш сингари потенциал имкониятлари аниқланган;

иқтисодий ва инновацион тафаккур ўртасидаги диалектик уйғунлик инсоннинг тадбиркорлик фаолитини миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини такомиллаштиришдаги муҳим омил эканлиги креативлик тамойили асосида исботланган;

иқтисодий ва инновацион тафаккурни шакллантиришнинг этносоциал жиҳатларига қаратилган янги ғояларни берувчи, илмий-амалий ишланмаларни яратувчи, уларни амалиётга тадбиқ қилувчи иқтидорли шахсни шакллантириш зарурлиги ижтимоий фаолликнинг когнитив, эмоционал, хулқ-атворга доир субстанционал элементлари воситасида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида олинган ижтимоий-фалсафий хулосалар иқтисодий ва инновацион тафаккурни шакллантириш масалалари билан шуғулланувчи илмий ва инновацион илмий техник марказлар ходимларининг назарий билимини оширишга ёрдам берди;

иқтисодий ва инновацион тафаккур уйғунлиги борасидаги назарий ишланмалар илмий техник олий ўқув юртларидаги кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бўлиб хизмат қилди;

диссертацияда ёшларни инновацион изланишларга жалб этиш, уларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришга даъват этилган илмий тадқиқот марказлари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ва халқаро илмий амалий анжуманларда қилинган маърузалар, бу маърузаларнинг илмий тўпламларда чоп этилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК белгилаб берган журналларда эълон қилинган мақолалар, илмий-амалий эксперимент натижалари бўйича илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборотлар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан олинган хулосалар билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан ижтимоий гуманитар илм-фан соҳаларини, айниқса ижтимоий фалсафа, иқтисодиёт назарияси, «Инновация: назария ва амалиёт уйғунлиги» каби предметларни янги ёндашувлар, фикрлар ва назарий хулосалар билан бойитади, улардаги концептуал ғоялар бўйича илмий баҳслар туғдиради.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижаларидан Инновация вазирлиги, унинг жойлардаги бўлимлари, Ёшлар илмий техник ижоди марказлари, олий иқтисодиёт ва техника ўқув юртлари, аҳоли ўртасида иқтисодий билимларни, бизнес ва тадбиркорликни, инновацион ғояларни тарғиб этувчи маърифат муассасалари ўзининг кундалик фаолиятида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимиз миллий тараққиётнинг янги босқичида иқтисодий ва инновацион тафаккур уйғунлигини ўрганишга оид тадқиқот бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг функционал хусусиятлари инсоннинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришида, ижтимоий иқтисодий тараққиётга ўз улушини қўшганлиги шунингдек, инновацион ривожланишда инсоннинг роли ва уларнинг илмий техник ижод, инновация бозори, инновацион изланишлар ва ишланмалар эканлиги билан боғлиқлиги ҳақидаги таклиф ва тавсияларидан “Инсон фалсафаси” дарслигининг 3 қисми “Цивилизациялар ўзгариши даврида инсон” деб номланган мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 89-04-1836-сон маълумотномаси). Ушбу илмий тадқиқот натижалари ёшларнинг иқтисодий ва инновацион тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилган;

миллий тараққиётнинг янги босқичида иқтисодий тафаккур ривожланишининг технологик жараёнлар билан уйғунлиги, шунингдек инновацион тафаккурнинг юксалиш мезонлари ва истиқболлари илмий жиҳатдан асосланганлигига оид таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон нодавлат

нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва ҳудудий бўлинмаларининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасини шакллантиришда, хусусан, III. “Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, инновациларни жорий этишда, ижтимоий тадбиркорлик ва билимлар иқтисодиётини шакллантиришда давлат органларига кўмаклашиш” номли бўлимни шакллантиришда ва белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2019 йил 9 сентябрдаги 04-06/257-1-сон маълумотномаси). Натижада, Республикамиз аҳолиси ўртасида, шунингдек ижтимоий шериклик субъектларининг ўзаро муносабатларида инновацион ёндашувларни кенг қўллаш, жамоат назоратининг инновацион механизмларини жорий қилиш, ривожланишнинг долзарб масалаларига ННТларнинг инновацион ғояларни кенг жалб қилиш каби масалаларни хал қилишда самарали хизмат қилган.

инсоннинг иқтисодий ва инновацион тафаккури улар ўртасидаги диалектик уйғунлик, иқтисодий демократия, инсоннинг тадбиркорлик қобилияти, унинг намоён бўлишига оид таклиф ва тавсиялардан “Инсон фалсафаси” дарслигининг 2 қисми “Инсон феномени ижтимоий омиллари” деб, номланган мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 89-04-1836-сон маълумотномаси). Натижада, иқтисодий ва инновацион тафаккур уйғунлиги борасидаги назарий ишланмалар илмий техник олий ўқув юртларидаги кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

инновацион ривожланишга ўтишнинг этносоциал жиҳатлари, инновацион ривожланишнинг илмий техник ижод, инновация бозори, инновацион изланишлар ва ишланмалар билан боғлиқлиги асосланган натижалари ва материаллари асосида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг “Ёш тадбиркор юртга мададкор”, “Махсулот етиштириш, сақлаш, қадоқлаш ва сотиш янги инновацион занжирли тизимни ривожлантириш”, “Ёш фермерларни муваффақиятга элтувчи бизнес режалар, стартаплар” каби лойиҳаларини шакллантириш ва ижросини таъминлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2019 йил 17 сентябрдаги 04-13/4255-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни инновацион изланишларга жалб этишга, уларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришга эришилди ва Ёшлар билан ишлайдиган илмий тадқиқот марказлари учун методик тавсиялар бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (5 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажарилаётган муаасасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган. Тадқиқотнинг биринчи боби «**Миллий тараққиёт, иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганишнинг фалсафий жиҳатлари**» деб номланган. Ушбу бобда миллий тараққиёт, иқтисодий ва инновацион тафаккур тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги, мазмун-моҳияти, миллий тараққиётда иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг намоён бўлиш хусусиятлари тадқиқ этилади.

Иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг шаклланиши бозор муносабатлари билан боғлиқ бўлганидек, улар ҳам, ўз навбатида, бозор муносабатларининг умумий ижтимоий тараққиёт қонунларини, талаб ва эҳтиёжлар динамикасини, бу борадаги назарий қарашларни ифода этади. Мазкур бобда бозор муносабатларининг фалсафий-ғоявий ва ҳуқуқий асослари, бозор муносабатларининг демократия билан диалектик боғлиқ характери ва хусусиятлари каби илмий-назарий ҳамда методологик аҳамиятга эга масалалар тадқиқ қилинган.

Диссертацияда иқтисодий тафаккур ва инновацион изланишларни регуляция қилиш инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳалқаро билль ва бошқа кўпчилик давлатлар ратификация қилган ҳалқаро ҳужжатларидан келиб чиқиши ҳақида ҳам фикр билдирилган. Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги билльнинг инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида (17 модда) ҳар бир киши мулкга, яқка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда, эгалик қилиш мумкинлиги, ҳеч ким ўз мулкидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги кўрсатилган.¹ Шу билан бирга, мазкур ҳужжатнинг 22-моддасида ҳар бир киши иқтисодий ҳуқуқларга, ижтимоий таъминотдан фойдаланишга; 23- моддасида меҳнат қилиш, меҳнат турини эркин танлаш, қулай меҳнат шароитига эга бўлиш, ишсизликдан ҳимоя қилиниш, меҳнатига мувофиқ барча билан тенг маош олиш, тақдирланиш; 24-моддасида дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, меҳнат таътилига чиқиш; 25-моддасида соғломлигини тиклаш ҳуқуқига эга, деб таъкидланган. Ушбу ҳалқаро ҳужжатлардаги нормалардан ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқсак, улар, яъни ҳалқаро билль ва бозор муносабатлари бир-бирига

¹ Қаранг: Международный билль о правах человека. –Тошкент: Адолат, 1992. С.13.

зид эмаслигини, балки, аксинча, бозор муносабатлари инсон ҳуқуқларини, унинг инновацион изланишларини кўллаб-қувватловчи энг оммавий ва таъсирчан имкон эканини англаймиз.

Диссертацияда иқтисодий тафаккур ва инновацион изланишларнинг функционал хусусиятлари ва фалсафий-моҳияти қуйидаги йўналишлар орқали очиб берилган.

1. Тафаккури маҳсули бўлган интеллектуал мулкка (якка тартибда ёки бошқалар билан бирлашган тарзда) инноваторлар эгалик қилади.

2. Инновацияни амалиётга жорий этишда иқтисодий ҳуқуқлардан фойдаланилади.

3. Меҳнат қилиш ва меҳнат турини эркин танланади.

4. Ҳеч ким ноқонуний тарзда инновацион изланишлардан, мулкый муносабатларни такомиллаштириш ва мулкани кенгайтириш ҳуқуқларидан маҳрум қилинмайди.

5. Инноваторлар касб-кор асоциацияларига бирлашиш ва улар орқали мамлакатни, корхонаси, хўжалик ҳаётини бошқариш ҳуқуқига эга.

6. Ҳалқ ёки меҳнат жамоасининг иродаси, айниқса инноваторлар фаоллиги ва ташаббуслари ҳокимият ёки мулк эгаси фаолиятининг асоси ҳисобланади.

7. Инноваторлар ижод ва иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш, кўникмаларини ривожлантириш учун ижтимоий кўллаб-қувватланиш (таъминот) ҳуқуқига эга.

8. Инноватор инсон сифатида меҳнатига яраша ҳақ олиши ва тақдирланиш ҳуқуқига эга.

9. Инноваторлар иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган касаба уюшмалари (иттифоқлари) тузиши мумкин.

10. Инноваторларнинг алоҳида имтиёзларга эга бўлиши меҳнат тартибларини, шартномаларини бузиш ҳисобланмайди.

Жамият ҳаётида тенг меҳнат қилган, ўзининг ишбилармонлиги, инновацион кашфиётлари билан мулк орттирган киши хусусий мулкга эгалик қилади, яратган мулкни ҳимоя қилиш, кўпайтириш, истаганича улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демократик давлатларда интеллектуал мулк ҳам хусусий мулк ҳисобланади, у давлат ҳимоясида. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42 моддасига кўра, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш кафолатланади. 54 моддага кўра эса, “мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт,” деб кўрсатилган.¹ Демак, интеллектуал мулкнинг давлат ҳимоясида экани инноваторга эркин изланишлар ўтказиш ҳуқуқини беради.

Инсоннинг, шу жумладан, инноваторнинг ҳам, иқтисодий ҳуқуқларига қуйидагилар киради: хусусий мулк ҳуқуқи; ворислик (мерос) ҳуқуқи;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018.-18-19 б.

тадбиркорлик фаолияти; ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш; меҳнат қилиш ҳуқуқи; касб танлаш эркинлиги; меҳнат эркинлиги; ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи; дам олиш ҳуқуқи; меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқи. Улардан маълум бўладики, инсонларнинг “иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян жамиятда инсоннинг иқтисодий соҳадаги юридик имкониятларининг, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг йиғиндисиدير.”¹ Инновацион изланишларни қўллаб-қувватлаш тизими ушбу иқтисодий ҳуқуқлардан кенг ва самарали фойдаланиш асосида шаклланади. Расмий қонунлар ва рухсатлар етарли эмас, кишилар иқтисодий ва инновацион фаоллик кўрсатиб, ижтимоий-моддий бойликлар яратишни ҳаётий мақсади, ҳатто фуқаролик бурчи сифатида қабул қилишлари зарур. Демак, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шахсларнинг иқтисодий ва инновацион фаоллигига, ташаббусига асосланган бурчи, вазифаси маҳсулидир. Имконият ва ҳуқуқнинг бурч ва вазифалар билан уйғун келишини таъминлаш асосан давлат зиммасига тушади. У ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қонунлар, яратадиган тараққиёт моделлари, белгилайдиган стратегик мақсадлар ана шу уйғунликни таъминлашни назарда тутди. Иқтисодий ҳуқуқлардан фойдаланиш энг аввало субъектив характерга эга воқелик. Кишиларнинг тушунчалари, муносабатлари, янги иқтисодий тафаккурдан хабардорлиги ва инновацион изланишларга мойиллиги ушбу субъектив воқеликни инъикоси сифатида келади. Кишилар ўзидан - ўзи, ҳеч қандай тасаввурсиз, қарашсиз, субъектив тайёргарликсиз иқтисодий муносабатларга киришиб кетавермайдилар. Айниқса улардан бозор муносабатларига киришаётган пайтда янги иқтисодий тафаккурдан, илмий техник изланишлар ва иқтисодий ҳуқуқдан хабардор бўлишлар талаб қилинади, чунки иқтисодий маданият бозор муносабатларида қатнашишнинг муҳим омилидир.

Бозор муносабатлари шароитида ҳеч кимни мажбурий тарзда меҳнатга жалб этиб бўлмайди, аммо ижтимоий-иқтисодий омиллар (овқатланиш, оиласини боқиш, фаровон яшаш ва б.) кишининг иқтисодий ҳаётда, меҳнат жамоасини бошқаришни янгилаш, такомиллаштириш жараёнларида қатнашишга ундайди. Ўзининг тақдири, меҳнат жамоасининг умумманфаатлари ҳақида қайғурадиган ҳар бир шахс меҳнат фаолиятига тааллуқли жараёнларга бефарқ қололмайди. У янги илмий-техник кашфиёт қилмаслиги ёки меҳнат жамоасини бошқаришга оид бетакрор усул яратмаслиги мумкин, бироқ у ўз ҳаёти, тақдири билан боғлиқ меҳнат жараёнларининг бефарқ кузатувчиси эмас. Меҳнат жараёнларида фаол, онгли ва ташаббус билан иштирок этиш, янги иқтисодий тафаккур билан истеъмол бозорини ўрганиб боришда қатнашишнинг ўзи ҳам модернизацияни қўллаб-қувватлашдир. Модернизация, айниқса тараққиёт йўлига кирган, эски ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан воз кечган жамиятда, меҳнат жамоасида инновацион ўзгариш сифатида қабул қилинади.

¹ Ҳусайнов О. ва б. Инсон ҳуқуқлари (маҳсус курс). –Тошкент: Шарқ, 1997.-84-85 б.

Инновация, модернизация билан фуқаролик жамияти ўртасида фундаментал уйғунлик бор. Бу уйғунлик кишиларнинг янгилик излаб яшашидадир. Янгилик излаш - ижодий ҳамкорлик, турли ижодий ёки касбий уюшмалар, ассоциациялар, нодавлат ташкилотлари тузишга етаклайди. Бундай касбий ва ижодий уюшмалар инноваторларга биргаликда, уюшган тарзда ўз салоҳиятларини намоён қилиш имконини беради.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда кишилар ихтиёрий-касбий ёки ижодий ассоциациялар тузиши, улар орқали ўзи ишлаётган корхоналар, фирмалар ҳаётини бошқаришда қатнашиши мумкинлиги қайд этилади. Мазкур ижодий-маданий фаолият турлари бугун фуқаролик жамиятининг негизи сифатида қаралади. ”Фуқаролик жамияти деганда,- деб ёзади академик М.Шарифхўжаев турли назарий-фалсафий концепцияларни таҳлил қилиб,- энг аввало, давлатдан маълум маънода мустақил бўлган мулкӣ, бозор, оилавий ахлоқий муносабатларнинг алоҳида махсус соҳаси тушунилган. Шу маънода фуқаролик жамияти расмий давлат институтлари қаторида алоҳида шахслар ва улар уюшмалари, товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатларини таъминловчи давлатга номансуб тизимлар мавжуд жамият деб талқин этилди.”¹ Демак, фуқаролик жамияти кишилар томонидан ўз манфаатларига ва қизиқишларига хизмат қилувчи турли ихтиёрий ассоциациялар, ташкилотлар тузилишини кўллаб - қувватлайди. Аммо бу ассоциация ва ташкилотлар мудом ҳам иқтисодий тафаккур ривожлантиришни назарда тутавермайди ёки инновацион кашфиётларни илгари суравермайди, гоҳо улар шахсда касбий маҳоратни оширишга, интеллектуал қизиқишларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради, холос. Чет эллар тажрибалари кўрсатадики, айнан шундай ассоциациялар, ижодий, касбий уюшмалар корпорациялар учун инновацион кашфиётлар яратади, уларнинг фаолиятини тубдан янгилашга ундовчи инновацион лойиҳаларни амалга оширади². Ҳатто йирик корпорациялар қошида шундай инновацион ижодий ва илмий-техник уюшмалар фаолият юритади.

Меҳнат жамоасининг, айниқса инноваторнинг иродаси ва изланишлари билан иш берувчининг, мулк эгасининг манфаатлари ўртасида маълум бир тафовутлар, зиддиятлар бўлиши табиий ҳол. Бу ўринда конституционализм билан демократизм ўртасида маълум бир зиддиятлар борлиги кўзга ташланади. Масалан, конституционализмга кўра, хусусий мулк ёки хусусий корхона эгаси мулкига ўзи эгалик қилади, истаганича уни бошқариш, ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Агар ушбу нормадан келиб чиқсак, мулк эгасининг меҳнат жамоаси манфаатларига зид қарорлар қабул қилиш эҳтимоли юзага келади. Унда меҳнат жамоаси ва инноватор иродаси, қизиқишлари бир-бирига қарши туриши, бу зиддият гоҳо муваффақиятли ишлаётган корпорацияларни ҳам таназулга етаклаши, банкротга учратиши мумкин. Келажагини аниқ тасаввур этадиган корпорация, мулк эгаси меҳнат

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши.-Тошкент: Шарқ, 2003.-16 б.

² Қаранг: Dorothy Leonard Barton. Wellsprings of Knowledge. Boston, Harvard Business School Press, 1995; Charles Ferguson, Charles Morris. Computer Wars.-- N. Y. 1994; Клейтон М.Кристенсен. Дилемма инноватора.- Москва: Альпина, 2018.

жамоасининг, инноваторнинг изланишлари ва тавсияларига қулоқ тутати, унинг ғояларини қўллаб - қувватлашга интилади. Диссертацияда инновацион тафаккурнинг функционал белгилари ва моҳиятидан келиб чиқиб, унга: “Инновацион тафаккур бозор муносабатларининг маҳсули бўлиб, у ижтимоий ҳаётга, иқтисодиётга, бошқарув тизимига янгилик олиб киришга қаратилган интеллектуал фаолият, рационал, илмий техник изланишлар квинтэссенциясидир. У инсон ақлу идрокига хос бўлган, янгилик излашни ифода этадиган тушунчадир”, деб таъриф берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Миллий тараққиётда иқтисодий ва инновацион тафаккурдаги ўзгаришлар» деб номланган. Ушбу бобда Иқтисодий ва инновацион тафаккурнинг онг-тафаккурдаги ўзгаришлар билан трансформацияланиши, иқтисодий ва инновацион тафаккурдаги ўзгаришларнинг ижтимоий ҳаётда акс этиши таҳлил қилинган. Бобда бозор муносабатлари маҳсули бўлган иқтисодий демократия ва инновацион тафаккур ўртасидаги диалектик боғлиқлик, бу боғлиқликни шакллантирган объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар ҳам тилга олинган.

Мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзи, ижтимоий-фалсафий, экзистенциал нуқтаи назардан, инновацион воқеликдир. Бу воқелик жамият тараққиётини белгилаб берди, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда янги бошқарув тизимларини, институтлари ва механизмларини шакллантирди. Ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари ижтимоий-иқтисодий борлиқни этносоциал муносабатлар комплексида ўрганишни тақозо этди. Диссертацияда инновацион ривожланиш босқичлари ушбу этносоциал комплекснинг саноат соҳаси, аграр ишлаб чиқариш, фермер хўжалиги, қўшма ва хусусий корхоналар, маданий хизматлар кўрсатиш инфраструктурасидаги ўзгаришлар орқали таҳлил қилинган. Жамият тараққиёти ҳақида турли ижтимоий-фалсафий ғоялар, концепциялар яратилган, назарий моделлар, гипотезалар ишлаб чиқилган. “Лекин инсоният тарихи далолат берадики, ҳар қандай ғоя ёки фикр ҳам кутилган самара беравермайди. Айрим фикр ва ғоялар борки, улар вақт ва давр синовидан ўта олмаган, инсониятга, мамлакатлар ривожига ва ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатган, жамият ривожига умуминсоний манфаатларга зид ижтимоий-сиёсий оқибатларни келтириб чиқарган. Фикрларни қарама-қарши қўйиш дунёни бўлиб юборишга, улар ўртасида ижтимоий низолар ва келишмовчиликларга сабаб бўлиб, дунёнинг барқарорлигига путур етказган”¹. Ҳақиқатдан ҳам, ижтимоий-фалсафий фикр ва ғоялар кишилар онгидан жой олгач, маълум бир кучга айланади, уларнинг ижтимоий муносабатларига таъсир этиб, ё тараққиётни таъминлайди ёки жамиятни таназзулга етаклайди. Агар ижтимоий-фалсафий фикр ёки ғоя, модел, гипотеза реал ҳаётнинг заминдан яратилса, кишиларни бирлаштириш кучига эга бўлса, уларни янги марраларга ундаса, қалбида келажакка ишонч уйғотса, бахтли ва фаровон яшаш йўллари кўрсатса, бундай фикр, ғоя, модел ижтимоий тараққиётни таъминлайди, жамиятнинг маънавий мулкига

¹Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси.-Тошкент: Академия, 2000.-10 б.

айланади. “Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди, энди озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатмайлик, халқимизнинг иззатини жойига қўядиган унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз керак бўлади”.¹ Ўтмишни, ота-боболаримиз асрлар давомида шакллантирган тарихий-маданий анъаналарни менсимаслик пировард натижада келажакнинг ўзини рад этишга олиб келади. “Фақат инсоният тарихи бугун ижтимоий ҳаётда нима бўлаётганини англашга кўлам бериши мумкин” деб ёзади К.Ясперс. Шу билан бирга К.Ясперс даврни, тарихий тараққиётни белгилаб берган “социал курилма” бўлиши лозимлигини, ҳар бир давр хусусияти ушбу “социал курилма” га қараб ўрганилиши мумкинлигини уқтиради.² Социал курилма эса мудом аниқ кўринишга, ижтимоий тараққиётнинг аниқ шакллари ва қонунларига таянади. Ушбу шакллар ва қонунлар эса энг аввало халқ турмуш тарзини, тарихий-маданий тажрибасини, менталитетини акс эттирган этномаданияти ва этносоциал тажрибаларидадир.

Ушбу тажрибаларга таянилган тарзда миллий тараққиётнинг “ўзбек модели” яратилди. Унда бозор муносабатларига ўтишни босқичма босқич ўтиш ва этносоциал хусусиятларни ҳисобга олиш назарда тутилган принциплардан бири эди.

“Ўзбек модели” жамият тараққиётининг квинтэссенцияси сифатида иқтисодий демократияни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш йўлига олиб чиқишни назарда тутган. Ҳозир “ўзбек модели” ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда, улар ичида танқидий, салбий ёндашулар ҳам бор. Бироқ унинг Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий демократияни реал воқеликка айлантириш, иқтисодий ва этносоциал жараёнларни ҳал этишда ижобий рол ўйнаганини инкор қилиб бўлмайди. Бугунги инновацион ривожланишнинг аввалида ана шу “ўзбек модели” турганини унутмаслик керак. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ўтган ўн йилларга баҳо берар экан дейди: “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 марта ўсди. Унда саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга кўтарилди. Охириги 11 йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаган даражада сақланмоқда. Фаол инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда. Мутлақо янги, юқори технологияларга асосланган саноат тармоқлари, хусусан, нефть кимё, кимё, автомобилсозлик саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар изчил ривожланмоқда. Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта давлат қаторига киради.”³

¹Каримов И.А. Ўзбекистон; миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.-Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.- 4-5 б

² Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Изд.полит.лит-ры, 1991.- С.29.

³ Ўша асар.С.-35.

Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрдаги илмий жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи мавзумиз учун фундаментал аҳамиятга эга. “Ҳаммамиз яхши биламиз, - дейди давлатимиз раҳбари, - бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Президент ҳозирги даврга хос жиҳатларни биринчидан, инновацион ишланмаларга таяниш, иккинчидан, илм-фанга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш, учинчидан, инновацион ишланмалар табиий ресурсларни асрашга имкон беради; тўртинчидан, илғор технологиялар орқали ишлаб чиқаришни, иқтисодиётни ривожлантириш, деб билади. Энг муҳими шундаки, давлатимиз раҳбари инновацияни илм фан, интеллектуал салоҳият ва илмий-техник тафаккур билан боғлайди. У юқоридаги фикрларини давом эттириб дейди: “Мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ”¹. Президентнинг диққатини “маҳаллий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” масалаларига қаратгани эътиборли жиҳатдир. Ёшларни илмий-техник изланишларга жалб этиш, биринчи томондан, миллатимиз фарзандларини дунё илм-фани, технологиялари билан шуғулланишга ундайди, уларда интеллектуал изланишларга қизиқиш уйғотади; иккинчи томондан, маҳаллий инновацион ишланмалар бизнинг хўжалигимизга арзон тушади, уларни тинмай такомиллаштириш, модернизациялаш имкони пайдо бўлади; учинчи томондан, мазкур инновацион ишланмаларни чет элларга сотиш, хўжалигимиз учун зарур валюталарни, инвестицияларни олиб кириш мумкин бўлади. Энг муҳими инновация мамлакатни модернизациялашни дадил давом эттириш имконини беради, инновация модернизация, модернизация эса, ўз навбатида, инновация тарзида келади. Инновация ва модернизация косубстанционал ҳодисалар бўлса-да, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ечишда уйғундир.

Диссертациянинг учинчи боби, «**Миллий тараққиётнинг янги босқичида иқтисодий ва инновацион тафаккур ривожини истиқболлари**» деб номланган. Мазкур бобда иқтисодий тафаккурни технологик жараёнлар билан уйғунланиши, инновацион тафаккур миллий тараққиётни юксалиш мезони эканлиги, тадбиркорликни ривожлантиришда иқтисодий тафаккур ва инновацион изланишларнинг таъсири, кейинги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар, бу борада тўпланган миллий тажрибалар тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган бўлса-да, мамлакатда авж олган автократик бошқариш мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга халақит бергани, таъмагирлик, коррупция ва сансалорлик каби салбий ҳодисалар жиддий хавфга айланган. Бобда очиқ берилган Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор вазифаларга мувофиқ тадбиркорликни

